



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган “Инсон қадрини учун” деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни назарда tutади. Шулардан бири малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлишдир.

Бу соҳадаги режалар ҳақида Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувларида айтган эди ва уларнинг ижросига киришилди. Ушбу йиғилиш ҳам тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш, энг кўп тарқалган ва ўлимга сабаб бўлаётган касалликларни эрта аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирлари ўтказиш масалаларига қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу соҳадаги камчиликларни танқидий кўрсатиб ўтилди.

— Халқимизнинг соғлиғи ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган энг бебаҳо бойлигимиздир, — деди Президент. — Шу боис тиббиётни халқимизни рози қиладиган тизимга айлантириш бўйича катта марраларни белгилаб олдик. Бунинг учун бирламчи бўғинга ажратиладиган маблағларни 2 баробарга ошириб, аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликларни камайтириш бўйича алоҳида дастур қабул қилимиз.

Йиғилишда соҳадаги вазифалар кардиология йўналиши мисолида кўриб чиқилди.

Тахлилларга кўра, 30-70 ёшдаги аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг 53 фоизи юрак-қон томир касалликларига

тўғри келмоқда. Сўнгги беш йилда бундай касалликлар 20 фоизга, жумладан, ёшлар орасида ҳам кўпайган. Умуман, 4 миллионга яқин аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари аниқланган бўлиб, умумий аҳолининг 12 фоизини ташкил этади.

Шу боис, юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, келгуси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли оилавий поликлиника ва тиббий бригадалар орқали йилга камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилди, туман лабораториялари коагулометр ва зарур реактивлар билан таъминланди, юрак-қон томир касаллиги аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри юритилади, эхтиёжманд аҳолига дори-лар бепул тарқатилади.

Бу мақсадлар учун келгуси йилда ҳар бир туманга 350 миллион сўмдан, жами 70 миллиард сўм ажратилиши мўлжалланган. Умуман, бирламчи бўғинга дори ва тиббий буюмлар учун 580 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу жорий йилги харажатлардан 3 баробар кўпдир.

Президентимиз оилавий шифокорлар ва ҳамшираларни юрак касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволаш бўйича кўшимча ўқитиш муҳимлигини таъкидлади.

Келгуси йил 1 июлга қадар туман, вилоят ва республика даражасида даволанадиган касалликлар рўйхати

тузилиб, шу асосда режалар даволаш йўлга қўйилиши белгиланди. Бунинг учун туман шифохоналари 4 турдаги кардиология ускуналари билан таъминланди. Натижада кўрсатиладиган хизматлар тури 5 тадан 15 тага ошди.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг виллоят филиалларида эса хизматлар 15 тадан 35 тагача етказилади. Хусусан, Хоразм вилояти филиали кўшимча жиҳозланиб, барча жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани босқичма-босқич бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги шифохоналарда ҳам йўлга қўйиш, ихтисослаштирилган кардиология хизматларини ҳудудларга ташириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти ҳам танқидий кўриб чиқилди. У ерда превентив кардиология, нур ёрдамида диагностика каби йўналишларда янги лабораториялар ташкил этиш, хориждаги етакчи клиникаларда шифокорлар малакасини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Ушбу марказни трансформация қилиб, кўп тармоқли шаклга ўтказиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, юрак-қон томир касалликларининг асосий сабабларидан бири — нотўғри турмуш тарзи. Тўғри овқатланиб, кўпроқ пиёда юрадиган

одамларда бундай хасталик кам учраши халқаро илмий ташкилотлар томонидан исботланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг фойдасини янада кенг тарғиб этиш, тўғри овқатланиш ва жисмоний машғулотларни одамларнинг одатий ҳаёт тарзига айлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда “Соғлом турмуш тарзи” платформаси ташкил этилган эди. Бугунги кунда ундан фойдаланувчилар 600 минг нафарга етди, уларга 18 миллион сўм тўлаб берилди. Молия вазирлигига келгуси йилда бу тизимдан фойдаланувчилар кўламини кенгайтириш учун 60 миллион сўм ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳудуд раҳбарлари тўпланганидан фойдаланиб, аввал берилган топшириқлар ижросига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ёш авлод билан манзилли ишлаш учун ҳар бир маҳаллада вилоят ҳокимининг ёрдамчиси — ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиши белгиланди. Улар йигит-қизлар муаммоларини ҳал этиш, касб ўрганиши ва бандлигига қўмақлашиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан шугулланади.

“Яшил макон” умумийлиги лойиҳасининг бажарилиши кўриб чиқилди. Ҳокимлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари дарахт ва кўчат экиш ишларининг бориши тўғрисида ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ КЕНГАШ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Истанбул шаҳрида ўтказиладиган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун 11-12 ноябрь кунлари Туркия Республикасида таширф билан бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув кун тартибидан Кенгаш доирасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо, инвестициялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Саммит якунида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва устувор йўналишларда кўп томонлама шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таширфи дас-турида Истанбул шаҳрида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши 2009 йилда ушбу тузилмага аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида тузилган.

Бугунги кунда Кенгашга Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо. Мамлакатимиз ташкилотга 2019 йилда қўшилди. Венгрия Туркий кенгашда қузатувчи мақомига эга.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва ташаббуслари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда

Президент Шавкат Мирзиёев Истанбул шаҳрида ўтказиладиган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг (ТТДХК, Туркий кенгаш) навбатдаги саммитида иштирок этиш учун 11–12 ноябрь кунлари таширф билан Туркияда бўлади.

Олий даражадаги учрашув кун тартибидан Кенгаш доирасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо, инвестициялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Саммит якунида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва устувор йўналишларда кўп томонлама шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистон 2019 йил 14 сентябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди ва ўша йили октябрь ойида тузилмага расман қўшилди.

Мамлакатимиз ташкилот ва унинг тузилмалари (Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси — ТуркПА, Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси) фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ, ЯНГИ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга кирилиши тантанали маросимидаги нутқи давлатимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида тарихий аҳамиятга молик ҳодиса бўлди. Унда мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси, юртимиздаги жараёнларга оид чуқур таҳлилга асосланган серқирра мулоҳазалар илгари сурилди.

Маъруза жамиятимиз, давлатимиз ривожланишининг янги мафкурасини белгилади, десак муболага бўлмайди. Биринчи навбатда, ушбу мафкуранинг моҳияти шундан иборатки, у баландпарвоз, ҳавойи, дабдабали шiorларга асосланган ички ва ташқи сиёсатдан воз кечиб, том маънода инсон эхтиёжлари, миллий манфаатни илгари суришни ўз мақсади деб белгилайди. Унинг негизда мамлакатимиз, минтақамиздаги вазиятга ҳолисона назар ташлаш, одамларни безовта қила-

ётган муаммоларни яширмасдан, уларни ҳал қилиш йўлларини излаш, топиш ва ечиш ётади.

Нутқнинг марказий ғояси — халқимиз қўллаб-қувватлаган демократик ислохотлар йўли янада қатъий давом эттирилади, жамиятимиз бу йўлдан ҳеч қачон ортага қайтмайди. Энг муҳими, мамлакатимизда барча даражадаги ҳокимият идоралари фаолиятида “Инсон қадрини учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам бош мезон бўлиб қолади.

▶ Давоми 2-бетда



11 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

ЭСДАЛИК КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида 11 ноябрь — Касаба уюшмалари кунини муносабати билан халқимиз фаровонлигига, касабаси уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшаётган энг фаол, фидойи ва ташаббускор инсонлар меҳнатини эътироф этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Янги Ўзбекистон довуғини бутун дунёга таратаётгани фахр ва ифтихор билан қайд этилди.

Ана шундай изчил ислохот ва янгиланишлар жараёнида мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касабаси уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

ТОМОРҚА: меҳнатнинг роҳати ва мукофоти бор

Азалдан халқимиз ерга меҳр бериб, нафақат ўз рўзгорини, балки эл дастурхонини ҳам тўкин қилиб келган. Шундан томорқани “қони фойда”, “даромад манбаи” дея таърифлаб, “етти хазина” сирасига қиритган. Миришкор оилаларда унинг ҳар қаричи ҳисобда. Ҳовлисида мева-сабзавотнинг янги, серҳосил, эртапишар навларини етиштириб, оиласига даромад келтираётган, қолаверса, махсулотларини экспортга ҳам чиқараётган юртдошларимиз борлиги қувонарли.



▶ Давоми 4-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ, ЯНГИ ҲАЁТ

**Содиқ САФОЕВ, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон тарихида илк бор сайлов жаҳон ҳамжамияти, етакчи халқаро ташкилотлар томонидан демократик ислохотларнинг узвий таркибий қисми, фуқаролар хоҳиш-иродасини амалий ифодалаш жараёни сифатида эътироф этилган муҳим аҳамиятга эга. Бу, албатта, мамлакатнинг янги қиёфасини мустаҳкамлаш ва унинг етакчи халқаро нуфузини янада оширишнинг кучли омилига айланди.

Президент сайловининг муваффақиятли ўтказилиши ва уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда етакчилигини таъминлади ва мамлакатнинг етакчи давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан муносабатлардаги халқаро мавқеини мустаҳкамлади.

Сайлов жамиятни жиёқлаштириш, мамлакат барқарорлиги ва юрт тараққиётини таъминлаш омилга айланди. Бу Ўзбекистонда демократик ислохотларни нафақат давом эттириш, балки чуқурлаштириш учун ҳам зарур шарт-шароит яратди.

Бўлиб ўтган сайловолди кампанияси 2016-2021 йиллар давомида Ўзбекистонда мамлакат тараққиёт моделида туб ўзгариш рўй берганини яққол намоён этди. Ижтимоий тараққиёт ички ва ташқи сиёсатнинг барча сегментларини ривожлантириш билан уйғунлик касб этди. Жамиятнинг ҳокимиятга психологик ва эмоционал муносабатида ўзгариш юз берди.

Ислохотлар, биринчи навбатда, ёш авлодга қаратилди. Ёш авлод таълим тизимида, меҳнат бозорида рўй берган ўзгаришларни ва лавозимда кўтарилиш имкониятларини амалда ҳис этди. Умуман олганда, модернизациянинг бирламчи, асосий вазифаларини амалга ошириш

билан боғлиқ биринчи босқичи муваффақиятли якунланди. Ислохотларнинг кейинги босқичи, шубҳасиз, янада мураккаб, фундаментал сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлади.

Мамлакатнинг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида алоҳида таъкидлаганидек, ислохотларнинг суръати, миқёси ва моҳияти бир қатор тизимли масалаларни ҳал қилиш зарурлиги билан изоҳланади, буларсиз ўтказилаётган ислохотларни секинлаштирувчи жиддий хавфлар пайдо бўлади.

Президентимиз инаугурация маросимидаги нутқида ўрта муддатга мўлжалланган истиқболда етти йўналишда мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадларини аниқ шакллантириб берди. Уларга эришиш янада ривожланиш стратегиясига мутлақо янги ёндашувларни қўллашни талаб қилади.

Конституциявий ислохотлар долзарб чора-тадбирлар сирасига киради. Тан олиш лозим, 1992 йилда, яъни мустақилликнинг илк йилларида қабул қилинган Бош қонунимизни жамият тараққиётининг янги босқичига мос равишда янгилаш зарур. Янги Конституция мамлакатни янада демократлаштириш, судьяларни, маҳаллий ҳокимият органларини сайлаш ва маҳаллий ҳокимият тармоқларини ажратишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш керак. Ҳозирги замонда мамлакатнинг Бош қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда давлатчиликнинг дунёвий демократик хусусияти мустаҳкам асосларини кучайтириш, мамлакатни янада сиёсий ва иқтисодий модернизация қилиш ва аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш аҳамияти ортиб бормоқда.

Иқтисодий нуктаи назардан янги Конституциянинг вазифаси хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аграр ислохот учун ҳуқуқий шарт-шароит яратишдан иборат. Шунингдек, Конституция но-марказлаштиришни, жумладан, солиқ сиёсатини давом эттириш, давлат бошқаруви тизимини амалга ошириш, бюджет сиёсатини шакллантириш ва амалга татбиқ этиш, ҳудудлар мустақиллигини ошириш, ички ва ташқи инвестицияларни рағбатлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиши лозим.

Маъмурий бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳокимият функцияларини қайта тақсимлаш, давлат аппаратини кескин қисқартириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Давлат хизматчиларини танлашнинг рақобат тизимини

жорий этиш жуда зарур. Мамлакат Президенти нутқида таъкидлаганидек, юқори ва ўрта даражадаги кадрлар тайёрлаш даражаси етарли эмас. Кадрлар томонидан ислохотларнинг мазмун-моҳияти, зарурлиги, стратегик мақсад ва вазифаларини чуқур англаш бўйича тизимли ишларни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Айнан шу асосда давлат аппарати узоқ муддатли ривожланишнинг концептуал масалалари билан асосли ва кундалик тарзда шуғулланишини таъминлаш мумкин. Шунингдек, муайян соҳадаги ҳақиқий натижалар ва аҳолининг яшаш сифати ўсиши асосидаги давлат органлари фаолиятини дастурий-мақсадли режалаштириш ва баҳолашга ўтиш вақти келди.

Сиёсий партиялар фаолиятининг сифат жиҳатидан ўзгача даражасини таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Зеро, партиялар сўнгги йиллардаги ислохотлар туфайли уйғонган аҳолининг янги хоҳиш-истакларига мувофиқ ўз фаолиятини қайта шакллантириш учун ҳали кўп иш қилиши керак. Сиёсий партияларнинг ушбу муаммони ҳал этишга мўлжалланган таҳлил марказларини яратиш, шунингдек, партия кадрларини тарбиялаш ва ўқитиш билан мақсадли шуғулланиш давр тақозосидир.

“2018 йил октябрь ойида Президентимизнинг Франция Республикасига давлат таширифи давомида Франция Сенати раҳбари билан учрашуви бўлиб ўтган эди. Ўшанда Франция Сенати раиси Сенатнинг тарихий биноси билан танишишга таклиф этди. Албатта, француз инқилоби бешиги бўлган Сенат биноси бизда катта таассурот қолдирди. Ўшанда Президентимиз делегация аъзоларига қуйидаги фикрларни айтган эди: “Мана бу бино кўринишнинг ўзида халқ вакилларига, қонунга қандай ҳурмат акс этганини кўришимиз мумкин”.

Президентимиз ургۇ бериб қайд этганидек, янги Уйғониш даври ҳақида гапирар эканмиз, унинг ҳал қилувчи омилларидан бири дунёга очиқлик ва ташқи алоқаларнинг кенг қамровлигидир. Бугун янгиланган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати айнан очиқлик ва ташқи алоқаларнинг ҳамма йўналишини бирдек ривожлантиришга қаратилгани бежиз эмас. 2017–2021 йилларда мамлакатнинг янгиланган ташқи сиёсатини шакллантириш ва рўёбга чиқариш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Дипломатик фаолиятнинг хусусияти ва мазмуни тубдан ўзгарди.

Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланиши, БМТда муҳим ташаббуслар илгари сурилиши, Афғонистондаги низони ҳал этиш бўйича халқаро ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга қаратилган, жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланган фаол ҳаракатлар Ўзбекистон ташқи сиёсати нуфузининг ўсишига кўмаклашди. Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бу эса, ташқи сиёсатимизни мутаносиб равишда такомиллаштиришни тақозо этади.

Биринчидан, минтақада мавжуд ижобий тенденцияларни, Марказий Осиёда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорлиқни ривожлантириш жараёни доимий хусусият касб этишини таъминлаш муҳимдир. Минтақани барқарорлик, доимий ривожланиш, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудига айлантириш вазифаси юклатилган.

асраб-авайлаш келажак авлод олдидаги бурчимиздир.

Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган қўшма мажлиси Сенатнинг янги, муҳташам, чиройли биносида ўтгани ҳам бежиз эмас. Бу, албатта, катта, рамзий маънога эга.

2018 йил октябрь ойида Президентимизнинг Франция Республикасига давлат таширифи давомида Франция Сенати раҳбари билан учрашуви бўлиб ўтган эди. Ўшанда Франция Сенати раиси Сенатнинг тарихий биноси билан танишишга таклиф этди. Албатта, француз инқилоби бешиги бўлган Сенат биноси бизда катта таассурот қолдирди. Ўшанда Президентимиз делегация аъзоларига қуйидаги фикрларни айтган эди: “Мана бу бино кўринишнинг ўзида халқ вакилларига, қонунга қандай ҳурмат акс этганини кўришимиз мумкин”.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг янги биноси ҳам ўз нуфузи, муҳташамлиги билан энг ривожланган давлатлар парламентлари биноларидан асло кам эмас. Биринчи навбатда, бу мамлакатимизда парламентаризмнинг, Сенатнинг жамиятимизда тутган ўрни ўзгариб бораётганини кўрсатади. Мана шу янги бино янги Ўзбекистонда Сенатнинг янги қиёфасини намоён этмоқда.

Биз ҳуқуқий давлат барпо этилмиш. Шу маънода, Сенат қонун чиқарувчи даргоҳ, қонунлар уйи, десак бўлади. Демак, бу муҳташам бино қонунга бўлган ҳурматини ҳам ўзида намоён этади.

Ва ниҳоят, Сенат — бу халқ вакиллари. Шу бинонинг асосий меъмори бўлган давлатимиз раҳбари халқ вакилларига, улар орқали бутун халққа бўлган ҳурматни ушбу муҳташам сарой кўринишида ифода этди.

Маърузада парламентнинг жамиятда тутган ўрни ва таъсирини ошириш ҳақида концептуал характерга эга бўлган теран фикрлар баён этилди. Энг муҳим масалалар қаторида парламент назоратини кучайтириш вазифаси қўйилди. Бу эса, сенатор ва депутатларнинг ҳукумат идоралари ишини, шу жумладан, миллий қонунларни ижро этиш ва халқаро мажбуриятларни имплементация қилиш билан боғлиқ фаолият юзасидан мунотазам мониторинг юритиш ва унга тўғри баҳо бериш масъулиятини оширади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган гоа ва ташаббусларнинг амалда ижросини таъминлаш ҳар бир депутат, сенатор, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари олдида турган ўта долзарб вазифадир.

БУГУНИНГ ГАПИ

**Шоҳида ЮСУПОВА, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги “Янги Жарариқ” МФЙ раиси**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқини қўлаб ватандошларимиз каби мен ҳам ниҳоятда ҳаяжон билан тингладим. Маърузада келгуси беш йилда амалга оширилаётган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бу борада маҳалла институти фаолияти ҳам алоҳида эътироф этилгани биз, маҳалла фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди.

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ РИВОЖИДА КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧИЛАДИ

Айтиш жоизки, охириги беш йилда маҳалла институтининг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеи тубдан ўзгарди. Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколатлари кенгайди, бизга жойлардаги аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш бўйича зарур ҳуқуқий асослар ва имкониятлар берилди. Бу маҳалладаги аҳоли муаммоларини тезкор ҳал қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўлаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мен қарийб 15 йилдан буён маҳалла тузилмасида фаолият юритаман, хусусан, охириги йилларда маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишляпман. Сўнгги йилларда маҳалла ҳаётида рўй берган ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлмоқдаман. Айниқса, маҳаллаларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг юритилиши ишимизда катта ютуқ бўлди. Бу орқали илгари бизни кўп қийнаётган долзарб масала — эҳтиёжманд, доимий кўмакка муҳтож оилаларнинг муаммосига ечим топилоқда, бандлиқни таъминлаш, оилада тadbirkorлиқни ривожлантиришга эришиляпти.

Масалан, бизнинг маҳаллаимизда бу дафтарларда уч юзга яқин оила рўйхатга олинган эди. Бугунги кунга келиб уларнинг аксариятига кўмак берилди. Жумладан, етти киши кредит олиб тadbirkorлиқни йўлга қўйди. Улар ўз оила аъзолари қаторида маҳалладаги



ишсизларни ҳам иш билан таъминляпти. Эндиликда туман ҳокимлигидан тортиб барча давлат идоралари аҳоли муаммоларини ҳал этишда маҳалла билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Бу эса, маҳалланинг жамиятимиздаги нуфузини ошириш, эл ишончини кучайтириш, одамларнинг мушкуллини осон этиш, аҳолини қийнаётган муаммоларга ўз вақтида ва оқилона ечим топишга замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида маҳаллада олиб борилаётган бундай хайрли ишларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этиладиган бўлди.

“Ҳоким ёрдамчиси янги иш ўринларини яратиш ва камбағаллик-

ни қисқартиришга масъул бўлади. Маҳалла раиси эса, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, оила ва маҳаллада соғлом муҳитни шакллантиришга жавоб беради”, деди давлатимиз раҳбари.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шуғулланадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили ҳам фаолият юритади. Бундан ташқари,

ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида туман бюджетни қўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади.

Бу янгиликларни эшитиб, тўғриси, энди маҳаллалар ҳақиқий маънода ёруғ юзимиз ва виждонимиз кўзгусига айланади, деган фикр туғилди. Чунки маҳалла ҳар биримизнинг кичик ватанимиз, умримизнинг кўп қисми маҳаллада ўтади. Ҳар бир оиланинг, унда яшаётган ҳар бир инсоннинг ташвиши ва қувончларини маҳалла яхши билади. Қолаверса, аҳолини қийнаётган муаммолар, жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатлар ҳам маҳаллага аён. Уларнинг ечими маҳаллада топилаётган муаммо илдириш ортидан олинадиган ҳал бўлади. Шу маънода, маҳаллага берилган ҳар бир имконият оилалар тўқислиги, инсон қамолотига хизмат қилиши шубҳасиз.

Эндиликда Тараққиёт стратегиясида белгиланган ана шундай вазифалар тўла рўёбга чиқишида биз, маҳалла фаолларининг ҳам ўз ўрнимиз бўлиши табиий. Шунинг ҳис қилган ҳолда берилган ҳар бир имконият ва имтиёздан оқилона фойдалансак, олдимизга қўйилган эзгу мақсадларга, албатта, эришамиз.

Бунинг учун ҳозирданок Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўз режаларимизни ишлаб чиқишга киришдик. Бу борада, аввало, аҳолининг фикрини ўрганиш, ҳар бир оилга кириб бориб ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказамиз. Зеро, халқ билан ҳам-нафасликда, ҳамфикрликда қилинган ҳар бир ишда барака ва унум бўлади.

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ
СТРАТЕГИЯСИ
унда фаровон ҳаёт, фарзандларимиз
нурли келажаги мужассам



Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Сенати Оролбўйи
минтақасини ривожлантириш
масалалари қўмитаси раиси

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи кенг жамоатчилик, жумладан, сенатор ва депутатлар, тадбирнинг барча иштирокчилари — нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, фаоллар, ёшлар томонидан катта қизиқиш, зўр ҳаяжон билан қўтиб олинди.

Сенатор сифатида мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги, хорижий меҳмонлар, етакчи эксперт ва мутахассислар, чет эл сафарлари чоғида эса, сиёсий арбоблар билан мулоқот қилар эканман, бугунги Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, улардан мамлакатимизга нисбатан “Янги Ўзбекистон” иборасини эшитиш нақадар фаржабахш эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу — мамлакатимизнинг 2016 йилдан бошланган тараққиёт йўлининг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз ва салмоқли муваффақиятларга эришяётганимизнинг жаҳон миқёсидаги эътирофи, десак асло муболаға бўлмайди.

Тарихан қисқа даврда мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мутлақо янги bosқичга кўтарилди. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган, халқ ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ҳал қилувчи омил бўлди. Бу борада Ҳаракатлар стратегияси асосида белгилаб берилган “Миллий тикланишдан — миллий юқалиш сари” ғояси устуворлик касб этди.

Юртимизда миллий бирдамлик, тинчлик, ҳамжихатлик, дунёвий жамият, юксак маънавият, энг янги технологиялар ва инновациялар асосида иқтисодий ўсиш, бой тарихий ҳафда маданий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, жаҳондаги, хусусан, минтақадаги муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг залвори ва кўлами беқиёс. Ўзбекистоннинг жаҳон сахнасидаги нуфузи ошгани ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши, дўстона муносабатлар, узоқ ва яқин хориж мамлакатлари, аввало, Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ривожлангани қувонарлидир. Зеро, Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган оқилона, тинчликсевар, конструктив ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига фаол кириб борди ва бугунги кунда бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйди. Узоқни кўзлаб юритилаётган ана шундай сиёсат натижасида юртимизда барча жабҳаларда сезиларли ўзгаришлар рўй бер-

моқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлаётгани, йирик автомагистраллар, йўллар, болалар боғчалари, мактаблар, тиббиёт, спорт, маданият муассасалари ва бошқа замонавий объектлар барпо этилаётгани фикримиз исботидир. Таълим тизимидаги ислохотларнинг натижалари ҳам сезила бошлади. Болалар боғчалари ва мактабларнинг моддий-техник базаси яхшиланмоқда. Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш тизими максимал даражада шаффоф бўлди, ўқитувчиларнинг ойлик маоши ошди ва бу жараён давом этмоқда. Албатта, бундай ўзгариш ва ютуқлар ҳар бир юрдошимиз қалбида яшабга бўлган иштиёқни кучайтириб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Президент сайлови буни яна бир қарра исботлади. Очик, ошқора, демократия тамойиллари асосида ўтган сайловда халқимиз юртимизда кечаётган муҳим ислохотларни бир овоздан қўллаб-қувватлади ва сайловдаги фаол иштироки, ўз овози билан бу хайрли ишларнинг давом этиши тарафдори эканини аён қилди.

Ўз навбатида, халқимизнинг шундай катта, юксак ишончига сазовор бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришар экан, тантанали қасамёд қилиб, ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойилни асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйди. Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар белгилаб берилди.

Авалло, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат қуриш, яъни, “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди. Бу, ўз навбатида, инсон қадр ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни янги поғонага кўтаришга, миллати, тили ва динидан қатъи назар,

ТАН ОЛИШ ЖОИЗКИ, СЎНГГИ ЯРИМ АСР МОБАЙНИДА ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ ТОБОРА КЕСКИН ТУС ОЛАЁТГАН ЭДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ҚИСҚА МУДДАТДА АНИҚ ВА ТЕЗКОР ТАШАББУС ҲАМДА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БИЛАН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ОРОЛ МУАММОСИГА ЭЪТИБОРИНИ, МУНОСАБАТИНИ, ҚОЛАВЕРСА, ТАФАҚҚУРИНИ ЎЗГАРТИРДИ. СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ОРОЛНИНГ ҚУРИГАН ТУБИДА ЎРМОНЗОРЛАР БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА ДУНЁДА МУҚОБИЛИ БЎЛМАГАН ИШЛАР ЖАДАЛЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛДИ. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА УМУМИЙ МАЙДОНИ ҚАРИЙБ 1 МИЛЛИОН 700 МИНГ ГЕКТАРГА ЯҚИН ҲУДУДДА ЧЎЛГА ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИКЛАР ЭКИШ (СЕПИШ) ВА ДАРАХТЗОРЛАР ЯРАТИШ ҲАМДА ТУПРОҚ ҚАТЛАМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда, сўнгги йилларда амалга татбиқ этилган ва бугун ўз самарасини кўрсатган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак”, деган даъватга қўшимча қилиб “Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак” деган ғоя илгари сурилиши мамлакатимизда инсон қадрини нақадар юксак эканидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этди. Таъкидланганидек, Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган янги тараққиётни тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилади.

Бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати келгусида ҳам назоратга олинади. Жойлардаги ижро идораси раҳбарлар ҳисоботини эшитиш ва натижасига мувофиқ уларга нисбатан таъсирчан чоралар қўриш механизми ишга тушади. Фуқаролик жамияти институтларининг эркин

фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш эътиборимиз марказида бўлади. Шу мақсадда Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ишлари жадаллаштирилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсоният қўллаб-қувватлашга умумбашари муаммоларга дуч келмоқда ва уларга ечим топиш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда. Иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалардир. Бундай муаммоларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, келажагимиз қийфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимини топиш зарурлигини англатади.

Тан олиш жоизки, сўнгги ярим аср мобайнида Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олаётган эди. Давлатимиз раҳбари қисқа муддатда аниқ ва тезкор ташаббус ҳамда саъй-ҳаракатлар билан жаҳон ҳамжамиятини Орол муаммосига эътиборини, муносабатини, қолаверса, тафаққурини ўзгартирди. Сўнгги йилларда Оролнинг қуриган тувида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича дунёда муқобили бўлмаган ишлар жадаллик билан

олиб борилди. Ўтган давр мобайнида умумий майдони қарийб 1 миллион 700 минг гектарга яқин ҳудудда чўлга чидамли ўсимликлар экиш (сепиш) ва дарактзорлар яратиш ҳамда тупроқ қатламини шакллантириш ишлари амалга оширилди.

Минтақада юзага келган ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш, ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрда “2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида 2788 лойиҳа ва объектларда 21 триллион 209 миллиард сўмлик кенг кўламли ишлар бажарилиш режалаштирилган. Шу билан бирга, Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Шунингдек, БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш керак.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган эртанги фаровонлигимизни таъминлаб берувчи улкан ғояларни амалга ошириш учун барчамиз бирлашиб, дахлдорлик ҳиссини сезган ҳолда ҳаракат қилишимизга ҳеч шубҳа йўқ. Зеро, биз миллий ривожланиш йўлида катта тажриба ортирдик. Қолаверса, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида халқимизнинг фаровон ҳаёти, фарзандларимизнинг нурли келажаги, порлоқ истиқболли мужассамдир. Шу боис, бундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг эзгу вазифаси бўлиб қолаверади.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва ташаббуслари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ТТДҲКнинг 2019 йил 15 октябрь куни Боку (Озарбайжон) шаҳрида ташкил этилган 7-саммитида, шунингдек, давлат раҳбарлари кенгашининг 2020 йил 19 апрель куни онлайн шаклда бўлиб ўтган “COVID — 19 пандемиясига қарши курашда ҳамжихатлик ва ҳамкорлик” мавзусидаги навбатдан ташқари ййгилишида ҳамда 2021 йил 31 март куни уюштирилган норасмий саммитида иштирок этди.

Мамлакатимиз ташкилотга аъзо бўлганидан буён ўтган қисқа вақтда Ўзбекистон таклиф қилган қатор конструктив таклифлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу тадбирларда иштирок этиш доирасида Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш, Туркий кенгаш Тараққиёт банкини ташкил этиш, Инвестиция жамғармасини шакллантириш жараёнини жадаллаштириш, ташкилотга аъзо давлатларнинг муқаддас қадамжолари бўйича “Табаррук зиёратгоҳ” лойиҳасини амалга ошириш, Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ташаббусларини илгари сурди.

23–24 июнь кунлари Қўқон шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар туризм вазирларининг 6-ййгилиши ўтказилгани, унинг якунида Қўқон шаҳри 2022 йилда “Туркий дунёнинг туризм пойтахти” деб эълон қилингани ҳам аввалроқ таклиф қилинган ташаббусларнинг амалий натижаси бўлди.

Шунингдек, 15–16 сентябрь кунлари Хивада Халқаро туркий маданият ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазирларининг 38-мажлиси ва “Хива 202-2021 йилларда Туркий дунёнинг маданият пойтахти” дастурини амалга ошириш доирасидаги маданий тадбирлар ўтказилди.

Яна бир муҳим ташаббусни амалга ошириш доирасида 19-21 сентябрь кунлари Тошкентда Туркий кенгашга аъзо давлатлар ёш тадбиркорларининг биринчи форуми ҳамда ёшлар ишлари бўйича ва спорт вазирларининг 5-ййгилиши бўлиб ўтди.

Транспорт ва логистика масалаларини тезкор ҳал қилиш учун Туркий кенгашга аъзо

давлатларнинг транспорт вазирлари ишчи гуруҳи ташкил этилди ва ушбу гуруҳнинг биринчи онлайн-мулоқоти 2020 йил 30 апрель куни уюштирилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан Туркий кенгаш котибиятида пандемияга қарши кураш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилди, унинг биринчи ййгилиши 2020 йил 8 июнь куни ўтказилди.

Бундан ташқари, ТТДҲК иштирокчи-давлатлари тиббиёт муассасалари вакилларидан иборат эпидемиологик вазиятни биргаликда кузатиш, таҳлил қилиш ва прогностлаш бўйича доимий Мувофиқлаштирувчи қўмитани ташкил этиш ташаббуси ташкилотда кенг қўллаб-қувватланди.

2020 йил 28 апрель куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг онлайн-мулоқоти бўлиб ўтди. Учрашувда ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон таклифи билан Туркий кенгаш ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилди ва ривожлантирилмоқда. 2020 йил 11 сентябрь куни икки ташкилот ўртасида Англашув меморандуми имзоланди.

Мамлакатимиз Туркий кенгаш доирасида савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникация, туризм, маданий-гуманитар ва илмий-тадқиқот йўналишларида, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Ўзбекистоннинг ТТДҲК фаолиятидаги иштироки савдо ва инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яхшилаш, товарлар, капитал, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини рағбатлантириш бўйича божхона ва транзит тартибларини, молия-банк операцияларини янада соддалаштириш истиқболларини очиб бермоқда. Ташкилот платформаси транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, пандемия шароитида ўзаро юк етказиб беришга кўмаклашиш учун муҳим кўп томонлама восита бўлиб хизмат қилмоқда.

“Дунё” АА

11 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

ЭСДАЛИК КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган 5 йил давомида давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик ривож топиб, янги босқичга кўтарилди. Касаба уюшмалари Федерациясининг ижтимоий шериклики ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, меҳнат соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришда иштирок этиш, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари ратификация қилинишидаги ҳамкорлик йўналишларидаги фаолияти сезиларли даражада ошди.

Тадбирда мазкур жараёнларда фаол иштирок этаётган, ижтимоий шериклик ва ижтимоий адолат тамойилларини амалиётга кенг татбиқ этиш ҳамда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга муносабат ҳисса қўшаётган инсонлар, шу жумладан, касаба уюшмалари тизимида кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган ходимлар, тармок касаба уюшмалари ва ҳудудий кенгашларнинг илгор тажрибали мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва касаба уюшмалари фахрийлари меҳнати эътироф этилиб, уларга янги таъсис этилган “Касаба уюшмалари кунига 1 йил” эсдалик кўкрак нишонни топширилди.

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “Аёллар дафтари” тизими хотин-қизларнинг кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларини самарали ҳал этиш имкониятини бермоқда. Хусусан, “Аёллар дафтари” тизими орқали йил бошидан буён касаба уюшмалари томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан ҳамкорликда 6,5 миллиондан ортиқ хотин-қиз билан мулоқот ўтказилиб, улардан 900 мингга яқин эҳтиёжманд аёлларга амалий ёрдам кўрсатилди.

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини арафасида эълон қилинган “Касаба уюшмалари ҳафталиги” доирасидаги тадбирларда “Аёллар дафтари” тизими бўйича иш олиб бораётган хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси аъзоларида “Касаба уюшмалари кунига 1 йил” эсдалик кўкрак нишонини топширилди.

Тадбир доирасида касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ўтказилган кўрик-танловлар ғолиблари ҳам муносиб тақдирланди. Хусусан, “Энг намунали бошланғич ташкилот”, “Меҳнат муҳофазасини энг яхши ташкил этган ҳудудий ва Республика кенгаши”, “Меҳнат ҳуқуқи билимдон”, “Электр-энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшма ташкилоти”, “Энг яхши оромгоҳ”, “Энг ғамхўр ҳомий”, “Оромгоҳларни қўллаб-қувватлаган ҳоким”, “Энг яхши ҳамкор” кўрик-танловлари ғолибларида Касаба уюшмалари Федерациясининг диплом, китоблар ва қimmatбахо совғалари топширилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари

ХОРАЗМ “ЯШИЛ МАКОН”ГА АЙЛанади

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик вазият туфайли Хоразм ер майдонларининг шўрланиш даражаси ортгани ва кўп йиллик дов-дарахтларга зарар етгани бор гап. Бунинг устига, минтақа табиатининг рамзи бўлган қадимий гужумларга “шаҳар мўйловдори” деб аталувчи зараркуналдар ёпишиб, дарахтларнинг аксари қуриб қолганди.

Бир томони улкан саҳро ва яна бир томони азим Амударё билан туташган вилоятда гарчи табиий имкониятлар мавжуд бўлса-да, ўрмончилик соҳаси ҳийла оқсаганини куйидаги рақам кўрсатади: бугун воҳада мавжуд ер майдонларининг атиги мингдан бир қисмини табиий ўрмонлар ташкил этади.

Президентимизнинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси кўп асрлик табиий қиёфасини йўқотаётган Хоразм учун аини муддао бўлди! Ушбу эзгу ишни амалга ошириш учун эълол қилинган долзарб 40 кунлик кўчат ўтқазиш жараёни барча худудларда уюшқоқлик билан бошланди.

Ҳазорасп туманининг Пичоқчи қишлоғидан ўтувчи магистраль йўл бўйларига салкам уч минг туп гу-жум, 500 туп сакура ва бошқа ман-зарали дарахтлар экилди.

Вилоят марказида кўп қаватли турар жойлар қурилиши натижаси-да бир қисм дов-дарахтлар кесил-ганди. Ана шу бўшлиқни тўлдириш

донлаштириш бошқармаси техника-лари ва ишчи-ҳодимлари иштирок этмоқда. Бу хайрли ишга маҳалла-лардан кўнгиллилар ҳам яқиндан кўмаклашяпти.

— Дов-дарахтлар қанча кўп бўлса, табиат ёшаради, олаётган нафасимиз тоза ва соф бўлади, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Муҳаббат Сафо-ева. — Элдoshларимизнинг бугунги кунимиз ва эртанги авлодни ўйлаб умуммиллий ҳаракатдаги фаолли-гини кўриб қувондим. Туманимиз-даги “Обод” маҳалласида кўкка бўй чўзиб турган беш асрлик тут дарахти маданий мерос сифатида қадрланиб, асраб-авайланмоқда. Ҳамон мева тугиб, неъматидан баҳраманд қилаётган воҳадаги энг кекса бу дарахт аслида тари-химизнинг бир бўлагидир. Воҳа иқли-мига мослашган тут ҳамда гужум-лар кўп аср барқ уриб тура олади. Ишонаманки, орадан неча асрлар ўтгач, бугун яхши умид билан эк-аётган тут ва гужумлар авлодла-



учун янги қурилган кўп қаватли бинолар атрофига, йўл бўйлари-га турли манзарали дарахтларни экиш суръати жадал кетмоқда. Ви-лоят экология ва табиатни муҳо-фаза қилиш бошқармаси шаҳар инспекцияси ва ҳокимлик ҳамкор-лигида қисқа муддатда юз минг тупга яқин гуҷум, сакура ва бошқа бута ниҳоллари экилди. Шу билан бирга, янги экилган ниҳолларни парварishiлаш учун масъуллаp ҳам биpиктирилди.

Гурлан туманида бу жараён тез-кор ва сифатли ўтаётганига гувоҳ бўлдик. Хонқа туманида эса мавжуд тўрт юз эллик километрга яқин ички йўл ҳамда уч юз километр анҳор ва захкашлар, шунингдек, маҳалла-лардаги бўш майдонларга қайрағоч ва бута кўчатлари ўтқазишда обо-



— Воҳанинг табиий иқлим ша-роитида айнан ноябрь ойида экил-ган кўчатларнинг камида тўқсон фоизи томир ёзиб, тутиб кетиши исботланган, — дейди қишлоқ хў-жалиги фанлари номзоди, агроном Бахтиёр Эгамов. — Ҳозир экилган кўчатлар қиш совуғи даврида ҳа-ракатсиз ётса-да, ерга мослашади ва баҳор келиши билан тез илдиз ёзиб, барг чиқаради. Кўчатларни ёз ойларида экканда эса самара эллик фоиз атрофиди бўлади. Шу маъно-да Президентимиз ташаббуси аини вақтида ўртага ташланган улкан иш бўлди!

Бугун турли дарахт ва бута кў-чатларини етиштирувчи деҳқон-ларнинг ҳам қўли-қўлига тегма-япти. Ахир режалаштирилган 14 миллион туп дарахт кўчатини ўтқ-зиш осон иш эмас. Шўкрки, бунга имкон ва захира бор.

Феруза ЖўРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Шеробод тумани Каттабoғ маҳал-ласида яшовчи Абдурахмон Каримов ўзи обод қилган томорқага, мўл ҳосил бераётган анорзорига қараб ғурур ҳис-сини туюди. Болалари, невараларини меҳнатга ўргатаётгани, эл дастурхо-нини тўлдирганидан бир хурсанд бўлса, “кичкина дечка”лар Ўзбекистон-да тайёрланган белгиси билан бошқа мамлакат бозорларини ҳам тўлдири-шидан яна бир бор мамнун бўлади.

Меҳнат қилган инсон ҳамиша эъзо-да. Абдурахмон ота ҳам мустақилли-гимизнинг ўттиз йиллиги арафасида “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақ-дирланди. 22 сотих томорқада анор-нинг “қозоқи” навини етиштираётган **Абдурахмон Каримов** ўтган йили деярли 70 миллион сўм соф даромад кўрган. 65 ёшни қаршилаган бўлса ҳам



куч-қувватга тўла. Ўзининг таъкидла-шича, богига кирса, чарчоқларни ҳам, ёшини ҳам унутиб, ўзини навқирон йи-гитдек ҳис қилади.

— Ўн ёшимда отам вафот этган, — дея эслайди Абдурахмон Каримов. — Бизни анорзордан бошқа даромад ола-диган жойимиз йўқ эди. Онам тинмай богда ишларди. Бош фарзанд бўлганим боис, рўзгор ташвишларини бўйнимга олганман. Мактабда табиат, ботани-ка дарсларини қизиқиб ўрганардим. Мўл ҳосил олиш сирларини излардим. Меҳнат ва ҳаракатдан кўра, кўпроқ да-ромад олиш учун илм керак экан. Экс-портбop мева етиштиришнинг ҳам ўзига яраша талаблари бор. Экинни турли хил зараркуналдардан асраш керак. Тупроқ, сув, ҳаво, қуёш билан “ҳамкор-лик қилиб, тил топсангиз”, ҳосил мўл бўлавераркан. Икки уканим мана шу меҳнат ортидан уйлантирганмиз. Ҳозир ҳар биримизда ҳовли, уй, машинамиз бор. Фарзандларимизнинг ҳам турмуш шароити яхши. Биласизми, Президенти-миз кўксимга “Меҳнат шўхрати” ордени-ни таққанида қувончим ичимга сигмади. Уша вақтдаги севинч ва ҳаяжонни таъ-рифлашим қийин. Пойтахтдан уйга қай-тар эканман, тезроқ богимга етиб бор-сам-у, ишга киришсам, ишончини оқлаш учун янада мўл ҳосил олиб, юртимиз ва жаҳон бозорларни тўлдиришга ҳисса қўшсам, дердим. Бу йил ҳам ҳосилимиз мўл бўлди. Юз миллиондан ортиқ соф фойда қўришни мўлжаллаб турибман.

Юраги богларидек кенг Абдураҳ-мон отанинг ҳар гапи дуога ўхшайди. Меҳнатининг ортида элимиз дастур-хонининг тўқинчилигини таъминлаш мақ-сади устунлигини сезасиз ва беихтиёр



бундай пок самимий юрак сизга туғиш-гандек туюлади.

Сўнгги йилларда ички бозорни си-фатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳия-тини ошириш мақсадида туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослашти-риш, маҳсулот етиштирувчиларни ме-ва-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кооперацияларга бирлаштириш каби амалий чоралар кўрилмоқда. Шеробод туманида 48 та маҳалланинг 33 таси анорчиликка ихтисослашган, аҳоли томорқаларининг 1 минг 40 гектар ер майдонида мазкур мева етиштирила-ди, ҳар йили ҳосилнинг 50 фоиздан ортиғи экспорт қилинади.

Ҳар бир маҳаллада маҳаллий ша-роит ва имкониятлардан келиб чиқиб, томорқаларда қайси экинни омла-лаштириш кераклиги ва уни етишти-риш тажрибалари шакллантирилса, маҳаллада шу экин учун жаҳон бозори-га йўл очилади. Энг асосийси, қишлоқ одамлари иш билан банд бўлади.

НЕГА ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҚўЛИ ОЛТИ, ОЁғИ ЕТТИ БўЛМОҚДА

Аҳоли сонининг йил сайин ўсиб бо-риши, глобал иқлим ўзгариши, экин ерлари ҳамда сув ресурсларининг чекланганлиги озиқ-овқат маҳсулотла-ри билан таъминлашни энг долзарб масалага айлантирди. Бу борадаги са-марали ечим — томорқалардан унум-ли фойдаланишдир. Сўнгги йилларда мана шу йўналишда кўплаб қарорлар қабул қилиниб, айримлари такомил-лаштирилди ва ердан самарали фой-даланган томорқа эгаларини рағбат-лантириш механизми жорий этилди. Мана шу чора-тадбирлар деҳқонлар-нинг қўлини олти, оёғини етти қилди, десак муволафа бўлмайди.

Қамаши туманида истиқомат қилув-чи **Тўхта Очилов** ҳам бугун меҳна-тининг роҳатини кўрапти. Узoқ йил-лик ҳаракатлари самараси ўларoқ бугун отахоннинг ҳам кўксиди “Меҳнат шўхрати” ордени. Маҳалладoшлари Тўхта отани кўрганда “Бу киши меҳнат-да улғайган, тин олишни билмайди” дер экан.



Бобoдеҳқон бу йил 81 ёшни қарши-лади. Бугун унинг 32 сотихли томорқа-сидиғи лимон, апельсин, мандарин каби цитрус мевалар кўзни қувнатади. 40 йилдан бери ҳовлисида меҳнат қи-либ, рўзгорини бутлаган, икки ўғил, икки қизни уйли-жойли қилган отахон болалари-ю невараларини ҳам меҳнат қилишга ўргатган. Бугун болалари қў-лидан ишини олган бўлса-да, саҳарлаб богидан хабар олади. “Лимончилар” номи билан кўпчиликка таниш хонадон эгалари бир туп лимон кўчатидан 300 килограммгача ҳосил олади. Кўпчилик деҳқонларнинг қўли ишдан бўшаб қо-



ладиган қиш ойларида ҳам улар иссиқ-хонада банд бўлади. Етиштирилаётган навининг ва унга эътиборнинг яхшилиғи сабаб меваларни экспортга тайёрлов-чи фирмалар маҳсулотига доим хари-дор.

— Ўз томорқанда меҳнат қилсанг ҳам мукофотлашса, бундан ортиқ бахт йўқ экан, — дейди Тўхта Очилов. — Ўтмишни эсласам, у вақтлари бу-нақа мукофотлар қаёқда дейсиз. Тер тўкканингизга яраша даромад олиш-нинг ўзи, анқонинг уруғи эди. Прези-дентимизнинг эътибори сабаб ҳозир деҳқон деганининг жони роҳатда. Богимизни бугунгидай серҳосил қи-лиш осон бўлмаган. Албатта, бутун-лай даромад ололмаган кезларимиз ҳам бўлган. Айбни ҳавога, шароитга ағдариш осон. Аммо бу ечим эмас. Деҳқон кўчат экдими, унинг тақдири-га ўзини жавобгар деб билиши, униб ўсиши учун ҳам илм билан ёндаши-ши, изланиши зарур. Шунда турли та-лафотлардан асрай олади. Бир қарич ернинг бўш турганини кўрсам, тинчим йўқолади, дарров уруғ излашга туша-ман.



Томорқадан самарали фойдала-ниб, иссиқхона фаолиятини бошлаб олганлар учун давлатимиз раҳбари-нинг 2018 йил 26 апрелда қабул қи-линган “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан Молия вазирлиғи хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғар-масининг туман(шаҳар) бўлиmlари томонидан меҳнат дафтарчаси бериш тизими йўлга қўйилди. Тўхта отанинг фарзандлари ҳам шу каби имконият-дан урлини фойдаланиб, замонавий иссиқхоналар барпо этишни, янги нав-лар яратиб, ҳосилни янада мўл қилиш-ни ният қилган.

Отахоннинг ўзи таъкидлаганидек, ерга ишлов бериб, уни боққан инсон меҳнатига яраша роҳатини ҳам кўради.

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР

Давлатимиз томонидан томорқа ер эгаларига ҳар томонлама кўмак беришга алоҳида эътибор қаратил-моқда. Бу борада Фермер, деҳқон хў-жаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғар-маси ташкил этилиб, унинг маблағла-ри деҳқонларнинг инновацион фа-олиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги қишлоқ хўжалиғи маҳсулот-лари етиштиришни рағбатлантириш ва соҳага янги, самарали технология-ларни жорий этишга йўналтириляпти. 2020 йилда экин экиш, ихчам иссиқ-хона қуриш, паррандачилик, чорвачи-лик ва бошқа йўналишлар учун 58,6 миллиард сўм ҳамда сув таъминоти оғир жойларда сўғориш қудуқлари қа-зиш учун 16,8 миллиард сўм жамғар-ма маблағлари ажратилгани соҳада меҳнат қилаётганларнинг оғирини енгил қилди.

Президентимизнинг 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оши-ришининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, қишлоқ хў-жалиғи маҳсулотларини сақлаш учун 20-30 тонналик кичик ҳажмли сову-тичлар барпо этиш учун кредит ажра-тиш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, Марказий банкнинг асосий ставкасида уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоизли 2 миллион сўмгача бўлган микрокредитлар ажратиш ме-ханизми жорий этилди. Бу каби енгиллик-лар кичик томорқага эга инсонларга ҳам катта даромад олиш имконини бермоқда.

Экин учун биринчи галдаги зарур омил, бу — сув. Аммо айрим жойларда сўғориш билан боғлиқ баъзи муаммо-лар мавжудлиғи ҳосилдорликка ўз та-сирини ўтказар эди. Вазирлар Маҳжа-

маси томонидан белгиланган тартиб асосида камида 30 та аҳоли томорқа-сини сўғориш учун ерости сувларига қудуқларни бурғилаш ҳаражатлари-нинг 70 фоизини, 120 миллион сўмга-ча бўлган қисмини қоплашга субсидия ажратиш ҳам белгилаб қўйилгани мав-жуд камчиликларни бартараф этишда оқилона йўл бўлди. Давлат кўмағи ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш имконини бериб, деҳқонларнинг орзу-ларини рўёбга оширишга хизмат қил-моқда.

“ҲОВЛИМДАН ОЛТИН ТОПАНМАН”

Юнусобод туманида яшовчи **Зиёвутдин Зайнутдинов**нинг асл қасби журналист бўлиб, тақдир тақозо-си билан ногирон бўлиб қолган. Шунга қарамай ўзгалардан кўмак кутиб ўтир-мади.

Мўжазгина ҳовли. Унга ташриф бу-юрган ҳар бир одамнинг кўзи қувнайдн. Айниқса, куз пайтида ғарқ пишган узум-лар олтиндек товланиб, дилинғизни яйратса, ҳосили мўл бўлган бодринг,

помидор, булғор қалампири, картошка, шолғом, ошқовоқларни кўриб, хона-дондаги бараканинг асл омили меҳнат эканини англайсиз.

Зиёвутдин ака бошқаларга ҳам ердан унумли фойдаланишни маслаҳат беради. Хунар, меҳнат ортидан кела-диган даромад беминнат ва баракали эканини тақдорлайди.

— Тўғриси, авваллари мен ноги-ронман, тегишли ташкилотлардан ёрдам олишим керак, деб ўйлардим. Уч йилча аввал телевизорда бир қар-ич ердан ҳам унумли фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги лавҳани кўриб, уйланиб қолдим. Менда даромад олиш учун ер бор, фақат меҳнат қил-сам, етарли экан. Кимдандир ёрдам олсам, бу узоққа бормайди. Ахир, ётиб еганга тоғ чидамас. Ўзим меҳнат қилсам, унинг роҳатини ҳам кўришим мумкин. Халқимиз бежизга “Сада эк-санг сояси бор, макка эксанг пояси”, дейишмаган. Экин эқдингми, албат-та, рўзгорингга қут қиради. Айниқса, карантин қучайтирилган вақтлар оиламиз билан ҳамжиҳат меҳнат қилиб, моддий таъминотда юзага келадиган қийинчиликларга барҳам бердик. Ўзгаларга ҳам ёрдам қўлини чўза олдик. Маҳаллаларда уч-тўртта эркак йиғилиб, қарта уйнаётганини кўрсам, хафа бўлиб кетаман. Шунга кетган вақтда бир ерни обод қилса бўлади. Баъзан қўшнилар уйингдан олтин топганмисан, кўча-қўйда қури-намсан дейишсади. Ҳа, мен томорқа-дан чин маънода олтин топганман, — дейди Зиёвутдин ака.

Ерни қадрлаган, унга меҳр қўйган миришкор халқимиз бугун яхшигина қўшимча даромад қилиб келмоқда. Ўз истеъмоли учун зарур бўлган маҳсу-лотларни томорқасида етиштириб, йи-лига 2-3 марта ҳосил кўтараётган, шу билан бирга, чорвачилик, паррандачи-лик, асаларичилик, пилпачилик билан шуғулланиб, рўзгорига барака қираётган инсонлар билан қанча фахрлансак оз.

Шахсий томорқалардан самара-ли фойдаланишни рағбатлантириш, деҳқонларимиз учун ҳуқуқий кафолат-ни таъминлаш мақсадида зарур шаро-итлар яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари-га бўлган талабини қондириш ҳамда бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлашда, томорқа ер майдон-ларидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлмоқда. Бундай ғамхўр-ликлар замирида қишлоқ жойларда яшовчи оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини қўпайтириш, турмуш тарзини янада яхшилашга қар-тилган мақсад мужжасам. Деҳқонми, фермерми ернинг, экиннинг ҳадисини олса бас, ҳам бойлик ортирди, ҳам эл ўртасида обрўга эга бўлади.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ФАРҒОНА МАЛИНАСИ

Европа бозорини забт этмоқда

Малинанинг 120 дан ортиқ тури мавжуд. Бу ўсимлик Ўрта Осиё, Шарқий Сибир, Узоқ Шарқ, АҚШ ва Европа мамлакатларида ўсади. Унинг қўритилган меваси тиббиётда дори сифатида, шарбати суюқ дорилар таъмини хушбўйлаштиришда яхши самара беради. Бугунги кунда Фарғона вилоятида ҳам малина етиштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, Водил қишлоғида бу борада катта ютуқларга эришилмоқда. Айтиш жоизки, бу қишлоқ иқлим ва ерининг унумдорлиги билан шифобахш ва даромад манбаи бўлган малина етиштириш учун жуда қўлай ҳисобланади. Бу ерда соҳанинг ҳадисини олган миришкорлар кўп.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Фарғона туманидаги “Водил” фер-мер хўжалиги Польшанинг “Zinotrade” фирмаси билан 200 тонна малина ет-казиб бериш юзасидан шартнома им-золади. Шу кунга қадар умумий қийма-ти 53,4 минг евро бўлган 20 тоннадан ортиқ маҳсулот экспорт қилинди.

Туманининг Водил ҳудудида 5600 та томорқа хўжалиги ва фермер хўжали-гида жами 500 гектардан ортиқ май-донда қариб 4,4 минг тонна малина етиштирилади. Маҳсулотларга бўлган талаб хорижда ҳам ортиб бормоқда. Шу даврга қадар малина асосан, Россия ва Қозоғистон давлатлари-га экспорт қилинган бўлса, энди Европа бозорларига ҳам кириб борапти.

“Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам малина етишти-ришда катта тажрибага эга. Бу ерда бир йилда малинадан икки марта ҳосил олинади. Ёзнинг дастлабки ойи малина пишадиган палла ҳисоб-ланади. Маҳаллада томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни ул-гуржи харид қилувчи бозор ташкил қилинади. Бу маҳсулот сотиш билан боғлиқ ортиқча оворатартиқларга барҳам беради.

Салоҳиддин Узоқов томорқада ма-лина етиштириш, қўчат тайёрлашда кўпга ибрат бўлиб келмоқда. Хўжалик томорқасидаги 6 сотих ердан ҳар йили 30–35 миллион сўм даромад топади. Экинларни парваришлаш, ўғитлаш ишларида алоҳида эътибор қаратгани учун қўчат мевалари донатор бўлади, ҳосилдорлиги ортади.

Муъассархон Рўзалиева нафақа-да. Уйда бекор ўтиришни истамайди. Фарзанд ва набираларига бош бўлиб томорқадан унумли фойдаланиб кел-моқда. Хонадон томорқасида бўл-ган киши омилкорлик билан иш олиб бораётган миришкорлар меҳнати ва изланишларининг гувоҳи бўлади. Ўн сотих ерда садафдек терилган қў-чатлардан бу йил ҳам яхши ҳосил олинди. Томорқачининг айтишича, ма-линадан қўрилган даромад салмоғи 60 миллион сўмдан ошди. Бундан ташқари, мўъжаз иссиқхонада лимон, мандарин, киви сингари цитрус мева-лар ҳам парваришланмоқда. Экинлар атрофидаги гилос, олма, анжир, анор, хурмо оила дастурхонидан аримайди.

— Рўзгоримиз учун керакли бўлган барча мева-сабзавотларни ўзимиз етиштирамиз, — дейди томорқачи. — Шунга яраша манфаат кўряпмиз. Меҳнатимиз орқасидан машина ол-дик, уч ўғилни уйли-жойли қилдик. Фарзандларим ва набираларим ҳам деҳқончиликка меҳр қўйган.

Хонадондаги ҳамжиҳатлик, тўкин-сочинчилик кўпнинг ҳаваси келади. Ҳалол меҳнат ортидан ишлаб топи-



ган даромад ҳисобидан маҳалла ҳуду-дида сунъий қопламали ўйин майдони ташкил этилди.

— Маҳалламиздаги 42 гектар то-морқа майдонида асосан, малина етиштирилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Роббим Хожиев. — Маҳсулотлар маҳаллий бозорлардан ташқари, қўшни вилоят-лар, Тошкент, Самарқанд бозорлари-га ҳам етиб бормоқда. Бу йил Европа бозорига ҳам маҳсулот сотилгани Во-дил малинасининг шуҳратини янада оширди. Эндигликда малина қўчатла-рини етиштириш, экспортга чиқариш борасида ҳам иш олиб боришмоқда. Утган йили Қозоғистонга 100 минг тупдан ортиқ малина қаламчалари етказиб берилди. Маълумки, малина қаламча шаклда экиб қўлайтирилади. Қўчатларни баҳор ва куз ойлари-да экиш тавсия қилинади. Ниҳоллар икки йилда ҳосилга қиради.

Қизилқўрғон массивида 300 гектар ерда малина плантацияси ташкил этиш ишлари бошланди. Бу бир мав-сумда 2 минг тоннадан ортиқ малина етиштириш имкониятини беради.

Айни кунда вертикал сўғориш қу-дуклари қазилш ва насослар ўрнатиш орқали сув муаммосини ҳал этишга эътибор қаратилмоқда. Бунда ҳар бир қазилган вертикал сўғориш қу-дукларини бурғулаш ва ишга туши-риш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизи, 120 миллион сўмдан ошма-ган қисми фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томо-нидан қоплаб берилади. Шунингдек, ҳууд бўйлаб симёғочлар ўрнатилиб, кабеллаштирилиши таъминланади.

Орифжон Жумаев мева-сабзавот етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳа-сида катта тажрибага эга. У 100 гек-тар ерда малина етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда экспортга йўнал-



трукция қилинди, тўлиқ таъмирланди, уларнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси умумий фонди 7 544 721 нусхадан иборат бўлса, шундан 6 846 922 нусхасини босма нашрлар, 697 799 нусхасини электрон шаклдаги адабиётлар ташкил этади.

“INFOLIB UZBEKISTAN — 2021” X миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги юртимизда ахборот-кутубхона соҳасини янада ривожлантириш баробарида кутубхоначиларимиз орасидан ёш иктидорларни кашф этишда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ТАДБИР

“INFOLIB UZBEKISTAN-2021” ҳафталиги:

биз биргаликда ҳаракат қиламиз

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ташкил этилган ҳафталик Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси-га ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш мақсадини қўзлаган.

Шунингдек, у замонавий талабларга жавоб берадиган муваффақиятли ахборот-кутубхона фаолияти учун зарур бўлган шахсий ва касбий компетенцияларни, билим, тажриба ва кўник-маларни ривожлантиришга шароит яратиш, кутубхоначилик касби обрўсини ошириш ва жамиятда кутубхоначи ва кутубхоналарнинг ижобий имижини яратиш, ҳамда, кутубхона ишини ташкил этишда инновацион лойиҳа-ларни соҳага татбиқ қилиш учун ёшларнинг касбий фаоллигини рағбатлантиришда алоҳи-да ўрин тутди.

Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Миллий ку-тубхонасининг Қорақалпоғистон Республика-си, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахборот-ку-тубхона марказларида ташкил этиладиган бу йилги ҳафталиқнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унинг доирасида илк мартаба “Ўзбекистон ёш кутубхоначилари: биз бир-галикда ҳаракат қиламиз!” шиори остида форум ҳам ўтказилмоқда.

Унда иштирок этиш учун турли тизимлар ва идо-ралар кутубхоналарининг 30 ёшгача бўлган ёш му-тахассислари, маданият муассасалари ва олий ўқув юртларининг ахборот-кутубхона мутахассислиги бўйича ёш ўқитувчилари, аспирантлар, ахборот-ку-тубхона марказлари раҳбарлари тақдиф этилган.

— Ушбу ҳафталик мен каби ёш мутахассис-ларнинг касбий, илмий салоҳияти, айниқса, ин-новацион лойиҳалар билан боғлиқ фаоллигини ошириши билан аҳамиятли. Бундай нуфузли тадбирда қатнашиш соҳа вакилларига янги им-коният эшикларини очди, — дейди тадбир иштирокчиси, “Турон” кутубхонаси илмий-мето-дик бўлим бошлиғи Маъмура Ҳайиталиева.

Ҳафталик доирасида жамоат ва хал-қаро ташкилотлар билан ҳамкорликда соҳа мутахассислари ва китобхонлар учун маъ-навий-маърифий тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари, танловлар, тренинглар, маҳорат дарслари ўтказилади. Бундан ташқа-ри, наشريётларнинг китоб кўргазмалари, яр-

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР

Мен болагимдан репетитор ёрдамида япон тилини ўргана бошладим. Кейинчалик, Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирги университет) лицейида, мазкур институтнинг бакалавр ва магистр босқичларида япон тилини ўргандим. Япониянинг Осака Кансаи институти, Токио жаҳон тиллари университети ва Цукуба университетининг магистр ва докторлик курсларида ҳам таҳсил олдим.

Сакура гулларига боғиқ ўзбекистонни соғинаман ёхуд дўст сўзи муҳаббат сўзига айланган лаҳзалар...

Айни пайтда Японияда яшаб ижод қилаётган ёш таржимон Нодира АМИНОВА билан бундан 3 йил аввал суҳбатлашган эдик. Ўшанда у япон ёзувчиси Ясунари Кавабатанинг “Гўзаллик билан учрашувдан завқланганинга сен дўстларинг ҳақида бутунлай бошқача ўйлайсан, улар билан қалбингда жўш урган қувончингни баҳам кўришни истайсан. Яъни гўзаллик юрагингда кучли ҳамдардлик ва муҳаббат уйғотади, ана ўшанда “дўст” сўзи “инсон” сўзига айланади”, деган гапларини айтган эди. Гарчи, бугунги замонавий имкониятлар туфайли у билан ижтимоий тармоқ орқали сўзлашган бўлсак-да, она Ватанига муҳаббати кучли бу ёш ижодкор юрагининг ич-ичида порлаётган юрт меҳрини, чин фарзандлик масъулиятини ҳис қилдим.

— Нодираҳон, яқинда юртимизда Ўзбек тили байрами кунини нишонланди. Байрам кунини сиз Япониядан кўнграқ қилиб, бу йилги байрамга ажойиб туҳфа тайёрлаганингизни айтиб бизни ҳам хурсанд қилдингиз.

— 2020 йил 10 апрель кунини имзоланган “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини эитиб белгиланди. Ушбу қонун айнан семимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий таваллуд топган кунда кўнгранишни мени жуда қувонтирган эди. Ўз юртингдан олисда туриб бундай хабарни эшитиш одамга бошқача таъсир қилар экан. Ўша кун келгуси йилда нишонланадиган байрамга, албатта, муносиб туҳфа тайёрлашни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Тўғриси, болаларим ёш бўлгани боис, орада режалаштирилган ишларим бироз ортага сурилди. Лекин уларнинг бир қисмини бўлса-да, амалга оширганамдан жуда хурсандман. Яъни Ўзбек халқ эртақларини япон тилига таржима қилишга муваффақ бўлдим. Ўнга энг машхўр ўзбек халқ эртагини саралаб олдим. Уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида расмли китоб ҳолида нашр қилдирикмоқчиман. Бу жараёнда менга япониялик рассом Ямада Мичико катта ёрдам беряпти. Унинг таъкидлашча, ўхшаш эртақларимиз жуда кўп экан. Мисол учун, “Зумрад ва Қиммат” эртаги японларнинг “Огикубо моногатари”эртагига жуда ўхшаб кетади.

Шу ўринда менинг таржималаримга катта эътибор қаратиб келаётган Ўзбекистоннинг Япо-

бўйича таржимон ва япон тилини ўргатадиган муаллим сифатида фаолият олиб бордим. Фарзандларим туғилгач, уйда ўтириб, уларнинг тарбияси билан банд бўлдим. Бироқ ана шу жараёнда вақт ва имкон топиб азалий орузим бўйича Япония — Ўзбекистон маданият маркази лойиҳасини ишлаб чиқдим. Ушбу марказнинг таржимонлик бўлимида икки давлатнинг энг машхўр асарлари тарғиб қилинади. Кимоно бўлимида эса, японларнинг миллий либослари ўзбегим адрасларига уйғунлаштирилиб, янги урфда тикилади. Марказда 12 та лойиҳа бўйича инвесторлар билан ҳамкорлик қилинади. Японияда кичик Ўзбекистон ташкил қилиш мақсади амалга ошганидан ниҳоятда хурсандман.

Ўзбекистон маданияти Марказий Осиё халқларининг кўп асрлик анъаналари ва турмуш тарзи билан боғлиқ бой тарихга эга. Буюк ипак йўли чорлахасида жойлашган юртимиз ҳудудида кўнграб меъморий ёдгорликлар, қадимий қалъа ва осрлар, силри ва ноёб табиат ёдгорликлари, халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари сақланган бўлиб, уларнинг асқаријати ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари қаторида муҳофаза қилинмоқда. Ушбу маданий-тарихий меросимизни япон халқига таништириш менга фахр ва гурур бағишлайди.

Марказимиз томонидан юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштиришни мақсад қилганмиз. Миллий маданий марказ қошида “Ўзбек тили ва маданияти” курслари ҳамда “Ўзбек яшанба мактаблари” фаолият олиб боради. Шунингдек, Ватанимиз нуфузини оширишга қаратилган илмий, ижодий изланишлар ва лойиҳалар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ватандошлар” жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги қарори менга янада куч-қувват ва ғайрат бағишлади. Чунки ушбу қарорда бизнинг орзуларимиз ва режаларимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим вазифалар белгиланган экан.

Шу билан бирга, Япония телевидениеси билан шартнома тузганмиз. Айни келишувга кўра, мен Ўзбек тили, маданияти ва қадриятлари ҳақида ҳикоя қилувчи қизиқарли лаҳзалар тайёрлаб бораман. Япон дўстларимиз кўпроқ миллий таомларимизни тайёрлашни ва истеъмол қилишни ёқтиради.

Японияга келган илк дамларда ош дамлалган кунларим қосага солиб қўшниларга тарқатишни яхши кўрар эдим. Мазали пишириқларимдан ҳам кўп бора баҳраманд бўлишган. Патир нонни ҳам тез-тез уй шароитида бўлса-да пиширишни қанда қилмайман. Мен тайёрлаган таомларнинг мазаси ҳақида қўшниларим телевидениеда ишлайдиган журналиста роса мактаб гапиришибди. Кўрсатувга таклиф қилишганида уларнинг ҳар бирини тайёрлаб кўрсатдим. Бир кунини нон ва нон маҳсулотлари тайёрланадиган қорхона директори ходимлари билан мени йўқлаб келди. Улар ўзлари тайёрлайдиган маҳсулотлар рўйхатига ўзбек патириини ҳам киритишибди. Чунки хурсанд бўлдим ва уларга патири нонимизнинг турлари ҳақида гапириб бердим.

— Сизни Япония ва япон тили билан боғлаган самимий ришталар қачон пайдо бўлган?

— Биламизки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Сибир томондан юборилган япон аскарлари Ўзбекистоннинг бир неча шаҳар ва вилоятларидаги қурилиш ишларига жалб этилган. Бувам Алишер Навоий номидаги катта академик театри қурилишида иштирок этган. Шу жараёнда япон қурувчилар билан дўстлашиб қолган. Улар ҳақидаги ёрқин хотираларини гоҳ кўзда ёш, гоҳ табассум билан менга сўзлаб беради. Япон дўстлари ҳақидаги ҳикояларига бўлган қизиқишимни кўриб, бувам шундай насихат қилган: “Катта бўлсанг, япон тилини пухта ўрганиб, икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, албатта, ўз ҳиссанинг кўчасан.”

Шунинг учун мен болагимдан репетитор ёрдамида япон тилини ўргана бошладим. Кейинчалик, Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирги университет) лицейида, мазкур институтнинг



бакалавр ва магистр босқичларида япон тилини ўргандим. Япониянинг Осака Кансаи институти, Токио жаҳон тиллари университети ва Цукуба университетининг магистр ва докторлик курсларида ҳам таҳсил олдим.

— “Ўзбекистон, Япония ва мен” деб номланган иншоолар танлови сизнинг ҳаётингизда муҳим ўрин тутган экан...

— Ушбу танлов менга кунчиқар давлатга олиб борадиган эшикларни очиб берди. Ўшанда биринчи курс талабаси эдим. Япония элчихонаси томонидан 18 ёшдан 55 ёшгача бўлганлар ўртасида танлов ўтказилган ва унга 187 нафар юрдошимиз ўз иншоларини жўнатишган. Танлов кенг миқёсда ўтказилгани боис, ғолиб бўлишни ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Шунинг учун ота-онамга тақдирлаш маросимига борманглар, ўрин олманган бўлсам, хафа бўлиб қоласизлар, деганман. Буни қарангки, кутилмаганда мен ёзган иншога 1-ўринни беришди. Тақдирлаш маросимида иншони титроқ овоз билан қўнганда бутун зал, ҳатто элчи жаҳонлари ҳам кузга ёш билан тингланини ҳеч ёдимдан чиқмайди.

— Илк сафарингиз чоғида ушбу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай ютуқлар сизни ҳайратга солди? Японларнинг хотин-қизларни қадрлаш бобидаги қайси фазилатларини айта оласиз?

— Тарихдан маълумки, Япония Иккинчи жаҳон урушида катта инқирозга учраган. Аммо 1964 йилда олимпий ўйинлари ўтказилганида Япониянинг жуда тез суръатларда ривожланганини кўриб, бутун дунё лол қолган экан. Бу ерда кун ора содир бўладиган зилзилалардан чўчимай муҳташам ва осмонўпар бинолар барпо этилишанига тан бермасдан иложингиз йўқ.

Японияда инфраструктура ҳам ниҳоятда оқилона тузилган. Шаҳар қурилиши ва ундаги ҳар бир нарсанинг ўз вазифаси бор. Айниқса, ноғиронларга яратилган қулайликларни кўриб ҳайрон қоласиз. Автобус ва метроларда махсус жой, улар бемалол чиқиб-тушишлари учун махсус ишчилар шай турилади. Кўзи ожизлар учун ҳаётнинг барча жаҳаларида махсус ўқилма-мослама ва йўлакчалар қилинган.

Япония давлатида ҳам хотин-қизларга эътибор юртимиздаги каби қадриятга айланган. Ўзтирофга лойиқ ишлардан бири, метрода аёллар учун чиройли безакли махсус вагонлар ажратилган. Жамиятнинг турли жаҳаларида ҳам қулайликлар бисер. Фарзандли аёллар ҳам бемалол ишлаши учун иш жойининг ўзида бепул боғчалар ташкил қилинган. Оналар болаларини эрталаб ишга бирга олиб кетади.

Ҳомилалар аёллар учун ҳам аҳамиятга молик имтиёзлар белгиланган. Улар рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳокимият томонидан берилган махсус брилоки сумкасига осиб олишади. Бу ҳолат орқали ҳомилалар аёлларга ҳар томонлама имтиёз яратилади. Иш жойида эса, иш соатлари қисқартириб берилади.

— Фарзандларингизни тарбиялашда япон аёлларидан нималарни ўрганиясиз? Турмуш ўртоғингиз сиз амалга ошираётган ишларга қандай муносабат билдиради?

— 2014 йилда юрдошим Шўхрат Норбоевга турмушга чиқдим. У киши иқтисодчи бўлишлари

қарамай тил ва адабиёт, мусиқа, таржима борасидаги мулоҳазалари билан мени ҳайратга солган. Қизимиз Самияҳон 6 ёшда, ўғлим Мустафо эса 3 ёшга кирди. Турмуш ўртоғим билан дунёқарашимиз ва қизиқишларимиз жуда мос келган. Шўхрат ака ишларини тўғри тушуниб, мени қўллаб-қувватлайди.

Японлар ўзларининг таълим-тарбиядаги кўҳна усулларини ягона тўғри усул деб ҳисоблашмайди. Сўнгги вақтларда ғарб қадриятлари уларнинг анъаналарига катта таъсир кўрсатмоқда. Бироқ менга японча ёндашувнинг асосий тамойили маъқул бўлган. Бу усул болаларга сокинлик, сабр ва меҳр билан ёндашувни ўргатади.

— Япон адабиётидаги жанрлар ва асарлар ўзбек адибларини ҳамиша қизиқтириб келган...

— Ақсарият таржималар япон тилидан, яъни аслиятдан ўгирилмаган. Бироқ Ўзбекистон халқ шоирлари Рауф Парфи, Хуршид Даврон, ёзувчи Олим Отахон ва шоира Ойгул Суюндиқованинг таржималари аслиятга жуда яқин эканидан ҳайратланганман.

— Наурузм Сосэкининг “Қалб” романи қайси жиҳати билан сизни ўзига ром этди?

— Биринчи марта Японияга келганимда китоб сотиб олмақчи бўлганман. Бир неча китоблар орасидан “Кокоро” сарлавҳаси диққатимни тортган. Чунки бу сўз мен бувамдан ўрганган биринчи японча сўз эди. Япон тилида ўқиган биринчи асарим Наурузм Сосэкининг “Қалб” романи эди. Ва бу асарни илмий ишим мавзуси учун асос қилиб танладим. Романнинг



лигвопозтик ҳусусиятларини ўрганиш учун астойдил таржима қилдим. Мазкур асарнинг ўзига ҳослиги шундаки, меҳр-оқибат, дўстлик, қариндошлик ришталари, ота-она ва фарзанд, устоз ва шоғирд муносабатлари ҳақида гап боради. Ёзувчи асарда шундай савол қўяди: инсон учун қай бири дахшатироқ — маънавий етишмовчиликми ёки моддий етишмовчилик? Албатта, маънавий томондан қашшоқлик ҳамма нарсадан ёмон.

Мен таржима жараёнида ёзувчининг фикри ва ҳиссиётларини бузмаган ҳолда, ўзбек китобхонига тушунарли бўлган халқчил сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилганман. Ва аслиятдан қилинган таржима мен учун катта аҳамиятга эга.

— Айни пайтда қайси асар таржимаси билан бандсиз?

— 2018 йилнинг август ойида япон тилида ёзилган ҳикояларимни бир китобга жамлаб, япониялик болаларга тақдим этдим. Ушбу китоб “Ўзбек ва япон аскарининг дўстлиги” деб номланади. “Яна бир бор сакура гулини кўриш насиб этармикан?” деб номланган ҳикоямни япониялик болалар жуда қатъи қизиқиш билан ўқишди. Телевидение, радио ва газеталарда бу ҳикояга қайта-қайта муносабат билдирилганига хурсанд бўлдим. Ўз юртини соғинган япон аскарининг кечинмаларини ўзим ҳам кўзимда ёш, юрагимда чексиз муҳаббат тафти билан қорозга туширганман. Бу тарихий ҳикоя Японияда бошланғич синф дарсликларига киритилганидан бўлди. Япониядаги боғчалар кутубхоналарига ҳам тарқатилди. Мазкур ҳикоянинг ўзбекча матнини ўзимизнинг болажонларга ҳам тақдим этиш ниятим бор.

Ўтган йили Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Бу борада она юртимда ўтказилаётган барча тадбирлар ва тантаналарни катта қизиқиш билан қўзатиб бордим. Шу билан бирга, Алишер Навоийнинг ғазал ва рубоийлари асосида видеосабоқлар тайёрлаб, уларни турли ўқув масканларида намойиш қилдим. Япон ёшлари мумтоз шеърятимизнинг чуқур фалсафага ва мушоҳадага чорлагувчи намуналарини ҳайрат билан тинглашди. Айниқса, Сока университетида қад ростлаган Алишер Навоий ҳайкали ёнида ташкил этилган мушоира иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Келгусида Алишер Навоий асарларини пухта ўрганиб, қурбим етганича япон тилига таржима қилиш ниятим бор. Бу жараён катта масъулият ва билим талаб қилади. Шу боис, астойдил изланиб бобомиз асарларини ўрганишга аҳд қилганман.

— Биз учун қизиқ-да, хорижда яшаётган одам қандай пайтларда юртини кўпроқ соғинади?

— Биласизми, сакура гулларига боқганимда ҳовлимизда қийғос гуллаган бодом ва олча гуллари ёдимга тушади. Турмуш ўртоғим билан фарзандларимизни етаклаб юрган чоғларимизда ўша ширин хотираларни қайта-қайта ҳикоя қилиб бераман. Раҳматли отам ва онам гуллаган олча дарахлари тагига стол қўйиб биз болаларга эртақлар ўқиб берган лаҳзаларни қўмсайман.

Дадам раҳматли бизга семимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини баланд овозда фахр билан ўқиб берганлари ҳалигача қўлоғим остида янграйди. Биз ёд-

Сўхбатимиз сўнида япон шоири Мёэнинг мана бу мисраларини эсладим: “Юрагимнинг ичидан ёрқин нур таралмоқда. Бу ёрду балки ойга ўз акисидай қўрнаётгандир”. Нодира ҳам ушбу мисраларни ёқтиришни таъкидлаб, биласизми, ҳозир мен сиз билан қандай гаплашаман, бир қўлимда ўғлимни кўтариб, бир қўлим билан қизалоғимнинг сочларини сийлаётман, юрагимда эса Ватан соғинчи ва унинг муҳаббатидан тўлишган Ой бор, деди.

Ҳа, юртдан олисда туриб Ватан ҳақида ўйлашнинг, одамларга бу муқаддас заминнинг тарихи, тили, урф-одатлари ва бугунги кундан ҳикоя қилишнинг заъқи, салмоғи бошқача бўлади. Нодира Аминова Ўзбекистон фарзанди эканлигини дахрланади, эртанги кунини ушбу юрт риважига ва ёрғу хаёли билан кўради. Шу боис, уни ҳамиша ғолиблар сафида деб билишга ҳақлимиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Мухтасар ТОЖИМАТОВА
суҳбатлашди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январьда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 3623.

76042 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Махмудов
Мусахҳис: Милоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:10 Топширилди — 23:10